

# ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAJLISINING GAZETASI



2000 йил 12 декабр сешанба  
Сотувда эркин нархда № 248 (2545)

## Мукофотлар топширилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Фармонига кўра, мамлакатимиз мустақиллигининг тўққиз йиллиги арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз ўз соҳаларида эришган улкан ютуқлари ва кўп йиллик самарали меҳнатлари учун Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда Конституция кўни нишонланаётган шу кунларда орден, медал ва унвонларни соҳибларига топшириш маросимлари нафақат расмий илора ва муассасаларда, балки хонадонларда ҳам бўлиб ўтмоқда.

Чунончи, атоқли санъаткор Ҳадима Носировнага "Буюк хизматлари учун" ордени, таниқли мусиқашуноне Илос Акбаров ва бастакор Хайри Изомовга эса "Эл юрт ҳурмати" ордени билан шундай вазиетда, уларнинг уйларида топширилди.

Уларга Ватанимизнинг юксак мукофотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Аҳмадjon Мелибоев топширди.

Ўзбек миллий мусиқасига бағишланган кўпжа китоблар ёзган, мусиқалар яратган ва ўзбек мусиқаси дунёга тузган Илос Акбаров "Эл юрт ҳурмати" орденини қабул қилиб олар экан, мукофот учун Президентимизга ва халқимизга ўзига кўрсатилган бундай юксак эътибор учун самийий миннатдорлик билдирди.

Хайри Изомовнинг кўпжа мусиқий асарлари, қўшиқлари халқимизга яхши таниш. "Эл юрт ҳурмати" орденининг ўзбек мусиқаси тарраққиятига қўшган ҳиссасига берилган муносиб баҳо бўлди.

(ЎзА)



Ислам КАРИМОВ:

**... Мен XXI асрнинг биринчи йилини, яъни кириб келаятган 2001 йилни мамлакатимизда Оналар ва болалар йили деб эълон қилишни таклиф этмоқчиман.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

11 декабр кўни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг якуналовчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни ишчи гуруҳининг раҳбари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Бутров олиб борди.

Мажлисда парламент сессиясига тайёргарлик кўриш юзасидан амалга оширилган ишларга яқун ясалди. Кичик ишчи гуруҳларнинг раҳбарлари Н. Исмоилов, У. Ҳошимов ва М. Умаралиев сессия муҳокамасига киритилган қонун лойиҳалари ва бошқа материаллар депутатларга асосан ўз вақтида юборилганлигини маълум қилдилар. Сессия иши даврида депутатларга ташкилий-техникавий хизмат кўрсатишнинг таъминлаш, улар учун зарур шарт-шароит яратишга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Олий Мажлис кўмиталари ва комиссияларида, эксперт гуруҳларида олиб борилган ишларнинг яратувчилик иши республика газеталарида, телевидение ва радиога кенг ёритиб борилмоқда.

Мажлисда Олий Мажлис кўмиталарининг раислари ва бошқа депутатлар қонун лойиҳалари устида олиб борилган ишлар ҳақида ахборот бердилар, сиёсий партиялар депутатлар фракцияларини, сайловчилар, ташкилотлар, муассасалар, жамоат бирлашмаларидан қонун лойиҳаларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш юзасидан талай таклифлар тушганлигини маълум қилдилар. Тушган барча таклифлар Олий Мажлис кўмиталарида синчиклаб ўрганилмоқда ва ҳужжатларни узил-кесил маромига етказишга ҳисобга олинади.

Ишчи гуруҳининг раҳбари Б. Бутров сессияда йитирмадан зиёд масала кўриб чиқилганини таъкидлаб ўтди. Мамлакат давлат бюджетининг 2001 йилга мўлжалланган лойиҳаси шулардан биридир. Лойиҳа ҳозирдаёқ Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва «Фидокорлар» миллий-демократик партияси, депутатлар фракцияларининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси молия вазири М. Нурмуродов иштирокида муҳокама қилинди.

Сессия муҳокамасига тақдим этилган ишончли ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурини рўйбга чиқариш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш, инвестиция фандининг ошириш қабили асосий устуворликлар ҳисобланади. Мазкур лойиҳа яқин икки кун мобайнида бошқа сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар блоклари йиғилишларида ҳам муҳокама қилинади.

Бир қатор қонунларнинг, жумладан «Суллар тўғрисида», «Прокуратура тўғрисида» қонунларининг янги таҳрирдаги лойиҳалари суд ислоҳотини янада чуқурлаштиришга, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Депутатлар муҳокамасига «Мулоффа тўғрисида», «Терроризмга қарши кураш тўғрисида», «Махсус юклар ва ҳарбий таркиблар транзити тўғрисида» қонунлар лойиҳалари тақдим этилди. Бугунги ҳушқин ва тез ўзгариб бораётган дунёда янги ҳодисалар ва муаммолар пайдо бўлмоқда. Мазкур лойиҳаларда ана шу ҳоҳларга ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш асослари назарда тутилган.

Мажлисда қонун лойиҳалари устидаги ишларни давом эттириш, тушаётган таклифлар ва мулоҳазалар синчиклаб ўрганилиши ва ҳисобга олинishi, парламентнинг самарали ишлашини таъминлаш юзасидан белгиланган чора-тадбирларни рўйбга чиқариш зарурлиги таъкидланди.

## Она бешикни тебрата...

М. САФАРОВ.

Мустиқил тарраққиятимизнинг ҳар бир йили бири-бирдан салмоқли тарихий воқеалар йили бўлаяпти. Ҳақимизга кириб келаятган янги, XXI асрнинг биринчи йили ҳам, nasib этса, шу маънода Ватанимиз янги тарихини бебайиған ажайиб воқеалар йили бўлиши табиий. Жумладан, бу йилнинг муҳтарам Президентимиз

томонидан Оналар ва болалар йили деб эълон қилинганлиги унинг ўзига ҳок, гўзал мазмун-моҳияти бўлишидан дарак беради ва, сўзининг юксак маъносига, инсонпарварликка асосланган мустиқил тарраққиятимизнинг соломасида бу йил ўзининг фараҳли руҳи билан алоҳида ўрин эгаллайди.

Камина «Туркия» саройида, Конституцияимизнинг 8 йиллигига бағиш-

ланган тантанали маросимда қатнашиб, Президентимиз 2001 йилни Оналар ва болалар йили деб эълон қилганлигини ўз қўлгоҳи билан биринчилардан бўлиб эшитган бахтиёр инсонлардан бириман ва йўлбошчимизнинг бу таклифи санъат саройини тибранд бўлиб тўлиқиб ўтирган пойтахтимиз жамоатчилиги вакиллари, вилоятлардан таширф этган меҳмонлар томони-

дан нақадар катта ва давомли олқишлар билан кутиб олганлигига гувоҳиман. Ва бу бежизга эмас, деб ўйлайман. Худди шу таклифни илгари суриб, мамлакатимиз раҳбари давлатимиз келаятган инсонпарварлик сиёсатининг изчиллигини жамият кўз ўнгига яна бир бор ёрқин намойиш этди.

(Давоми 2-бетда).

•Яхшидур аччиқ ҳақиқат

## Фарзандлар камолини ўйламайсизми?

Биз одатда эртанги мунаваар кунимизни, калбимизда кўз очган поклик ниятларимизни ёшлар келажаги билан боғлабимиз. Бу ўз-ўзидан тушунарли, абадгана. Зеро, бугунги навакирон авлодининг ҳар жиҳатдан пухта билим олиши, касб-ҳунар эгаллини, ўз йўлини топishi, фозил ва қолми инсонлар бўлиб етишини учун маскул — сиз билан биз. Меҳр ва гўлҳурилик оғушида парварини тоғлан ниҳолсига бақувват, кўркам, серҳосна дарахтга айланади. Шу тўғрисида Президентимиз ва ҳукуматимиз мустиқилликнинг дастлабки кунлариданоқ ёшлар тарбиясига жиддий эътибор қаратиб, уларнинг истиқболи ва бахт-саодати йўлида астойдил кайириб келмоқдалар.

Ушқаб бормайлик. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим тизими тубдан ислоҳ қилинганлиги, республикамиз шаҳар ва киникларида йил сайин кўпжа замонавий лицейлар, касб-ҳунар коллежлари барпо этилаётганлиги, ўқув жараёнининг моддий-техник базаси мустиқиллаштирилганлиги ва ҳозир таркибий ўзгаришлар юқоридоғи фикримизга далил бўла олади. Худоса аниқ: хамонки келажакимиз ёшлар кўлида экан, уларнинг камолоти ҳақида гўлҳурилик кўндалик ичимизга, фаолиятимиз мезонига айланishi лозим.

Носир ТОШЕВ, «Жалқ сўзи» муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида бўлиб ўтган Илораларо мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши ана шу каби ошқор-фир-мулоҳазаларга бой бўлди. Уни Бош прокурор ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси П. Бобожон кириш сўзи билан очаркан, ҳар бир ишда, ҳар бир соҳада қонун устуворлигини таъминлаш муҳим ва асосий вазифа эканлигини таъкидлади. Йиғилишда Молия вазири билан ҳамкорликда академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари қурилиши ҳамда уларни жиҳозлаш учун акциялар мабжулати ва бошқа пул маблағларидан мақсадли, қонуний фойдаланилишини текшириш нагжалари муҳокама қилинди.

— Анвало, бир ҳақиқатни таъкидлаб ўтишни истардим, — деди ушбу масала юзасидан маъруза қилган республика прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси Х. Маҳмуров. — Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, 1999-2000 йиллар мобайнида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари тармоғини

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қурилишида йўл қўйилаётган сансалорлик, молиявий қонунбузарлик ҳолатлари хусусида

яратиш ҳамда тақомиллаштириш, уларни худудлар бўйича мақбул жойлаштириш, замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозлаш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Айни кунда ушбу даргоҳларда мамлакатимиз келажаги бўлган кўпжа истеъодли ёшлар таълим-тарбия олиб, фар сирларини, ҳаёт кўникмаларини эгаллаштирилди.

Ҳўш, уларнинг ақдан етук, жисмонан баркамол инсон бўлиб улгайishi учун ҳамма жойда зарур шарт-шароит яратилганми? Бу кўндаланг савол олдига иккиланиб қолсан, киши. Нетаски ҳақиқий аҳвол биз ўйланган-дан кўра жиддийроқ.

Нотик «жиддийроқ» деганда нималарни назарда тутган эди? Келинг, далилларга муурожаат қилайлик. Текширишлар давомида Олий ва ўрта махсус таълим вазириги, унинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазири Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, уларнинг капитал қурилиш бошқармалари, барпо этилаётган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари бирлаш-

(Давоми 2-бетда).

## Лизинг хизмати

унинг афзаллиги нимада?

Бугунги кунда республикамиз кўндаланг ҳўжжалиги машина-насолиги корхоналари ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг олдига турган энг муҳим муаммолардан бири — бу айланма маблағларнинг етишмаслиги, бунинг натижасида тайёр маҳсулотларни сотишдаги қийинчиликларидир. Оқибатда нима бўлапти?

Заволлар тўхтаб қолмоқда. Улардаги ишлаб чиқариш жараёнининг мураккаб занжирлари узилаяпти. Пировардида тармоқ катта зарар кўраётир. Бу муаммони ҳал қилишнинг йўлларидан бири — янги бозор институтини яратиш, яъни узок муддатли ижара (молиявий лизинг) асосида хизмат кўрсатиш, бошқача айтганда,

### Қарор ва ижро

қишлоқ ҳўжалиги лизинг тизимини яратиш ва уни ишга туширишдан иборатдир. Лизинг — бу ижара муносабатларининг алоҳида бир тури бўлиб, унда аҳдлашувчи тарафлардан бири (лизинг берувчи) иккинчи томон (лизинг олувчи)нинг топширигига биноан,

(Давоми 3-бетда).

•Ўзбекистонда Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари олдидан

## Дўстлик — қудратли куч

Ўзбекистон Республикаси халқларининг қадимий миллий қадриятларини ривожлантириш, миллатлараро ўзаро дўстликни янада мустиқиллаштириш, маданият ва санъат ютуқларини кенг тартиб қилиш мақсадида муқимнинг 15-18 декабр кунлари Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари ўтказилди.

Республика Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунларини ўтказиш ташкилий қўмитаси тузилди. Унинг биринчи мажлисида тадбирлар дастури таъкидланди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Уттереланд» компанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари, Давлат мабзуот қўмитаси томонидан маданият кунларини ўтказиш билан боғлиқ тайёргарлик

кўриш тадбирларини кенг ёритиш ишлари амалга оширилди. «Ўзбекистон» давлат-акциядорлик компанияси Қорақалпоғистон ижодкорлари билан биргаликда маданият кунларига бағишланган ҳужжатли фильм яратдилар. Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазириликлари, «Маҳалла» жағмармаси билан биргаликда тегишли ташкилий масъалалар ҳал этилди. Тадбирлар дастури жуда қизиқарли ва сермазмун. Тошкент шаҳрининг энг муҳташам томоша заллари меҳмонларимиз саяёҳатининг улкан сахнасига айланди. 15 декабр кўни эрталаб Тошкентдаги Алишер

Иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 13 декабр кўни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлишга олинади.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига қирадиган депутатлар диққатига

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси 12 декабр кўни соат 16.00 да ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида йиғилиши.

13 декабр кўни Олий Мажлисида соат 12.00 да: «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг, Фидокорлар миллий демократик партияси фракциясининг ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокнинг ҳамда соат 14.30 да — ҳокимият вакилик органларидан сайланган депутатлар блокнинг йиғилишлари бўлиб ўтади.

Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет катта театрида Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунларининг тантанали очилиши ҳамда санъат усталарининг катта концерти бўлиб ўтади. Кейинги кунлар дастурлари ҳам янада қизиқарли, мазмундор бўлади. 16 декабр кўни Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон ёзувчи, шоирларининг учрашуви, Маннон Уйгур номидаги санъат институти талабаларининг маданият кунлари қатнашчилари билан учрашувлари бўлиб ўтади. Й. Охунбоев номидаги республика ёш томошабин-

лар театрида С. Хўжаниёв номида Қорақалпоғистон давлат ёш томошабинлар театрининг К. Холмуродов қаламига мансуб «Кўнгал қўланқаси» спектакли, Ўзбекистон кино ҳодимлари уйда эса қорақалпоқ фильмлари намойиш этилади.

17 декабр кўни маданият кунлари қатнашчилари Тошкент шаҳри маҳаллаларида «Дўстлар дийлори» деб аталган меҳр-оқибат учрашувларида қатнашдилар. Ушбу тантанали маросимларнинг барчаси халқларимиз ўртасида дўстлик, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик зўлгуларини оширишга хизмат қилади, деб ўйлайман. Зеро, дунёда дўстликдан қуварати куч, қўнғилларни яқинлаштирувчи мўъжизабобор туйғу бўлмас керак.

Кенгесбой ЮСУПБОВ, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашининг доимий вакили.





# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ ЧЕТ ЭЛДА ТАЪЛИМ ОЛИШЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ "УМИД" ЖАМҒАРМАСИ

2001-2002 ўқув йилида Буюк Британия, Германия, Канада, АҚШ ва Франция олий ўқув юртларида магистр даражаси бўйича таълим олиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг грантларига совриндорлар танлови бошланишини

## ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов куйидаги устувор йўналишлар бўйича олиб борилади:

- 1) **Иқтисодиёт** (монетар сиёсат; давлат молиялари; сармоялар ва қимматбаҳо қоғозлар бозори; иқтисодий ривожланиш);
- 2) **Бизнес ва менежмент** (банк иши; молия; маркетинг; менежмент; халқаро бизнес);
- 3) **Халқаро ҳуқуқ** (халқаро тижорат ҳуқуқи; халқаро молия ҳуқуқи);
- 4) **Компьютер фанлари, информацион технологиялар ва коммуникация воситалари**;
- 5) **Табий ва амалий фанлар** (биотехнологиялар; кимё технологияси; физика ва материалшунослик; энергетика);
- 6) **Қишлоқ хўжалиги** (уруғчилик; чорвачилик; агробизнес);
- 7) **Экология ва сув хўжалигини бошқариш**;
- 8) **Муҳандислик мутахассисликлари** (нефть ва газ конларини қидириш, разведкаси ва қайта ишлаш; машинасозлик; электротехника; микроэлектроника; автомобилсозлик; самолётсозлик; тоғ иши).

Хужжатлар 2000 йил 11 декабрдан 24 декабргача қабул қилинади

Ўзбекистон Республикаси Президенти грантлари совриндори бўлиш учун танлов синовларида иштирок этишга такдим этиладиган хужжатлар рўйхати:

1. "Умид" жамғармаси бошқаруви раиси номига ўқиш тили ва йўналиши кўрсатилган ариза;
2. Белгиланган намунадаги шахсий варақа;
3. Олий ўқув юртини тугатганлиги ҳақида диплом нусхаси ва унинг иловаси ёки олий ўқув юртининг битирувчи курсида муваффақиятли ўқиётганини тасдиқловчи

ўқиётган мутахассислиги ва барча ўзлаштирилган фанлар кўрсатилган академик маълумотнома;

4. Олий ўқув юрти ректори ёки ўқишга юбораётган ташкилот биринчи раҳбарининг (махсус ташкил этилган комиссия томонидан тасдиқланган) тавсифий-тавсияномаси;
5. Меҳнат дафтарчасининг нусхаси (ишлаётган даъвогарлар учун);
6. Талабгорнинг танлаган соҳаси бўйича чет элда ўқишдан мақсади ва дунёқараш баёни (матн 2 босма бетдан ошмаслиги лозим);
7. Рангли фотосуратлар (4 дона, 4х6 см);
8. Паспорт ва унинг нусхаси;
9. Ҳарбий билет ёки ҳарбий хизмат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва уларнинг нусхаси;
10. Хужжатлар учун жилд (скорошиватель) ва конверт.

Танлов синовлари беш босқичдан иборат бўлиб 2001 йилнинг 2 январидан 4 февралгача давом этади:

- 1-босқич. Танланган йўналиш бўйича таянч олий маълумоти чет эл университетлари талабларига тўғри келишини аниқлаш мақсадида талабгорларнинг шахсий хужжатларини кўриб чиқиш.
- 2-босқич. Чет тили бўйича талабгорнинг билимларини аниқлаш юзасидан тест;
- 3-босқич. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида даъвогарнинг дунёқараш, маънавият масалалари, тарих ва маданият соҳасидаги билимлари бўйича "Маънавият ва маърифат" юзасидан суҳбат-имтиҳон;
- 4-босқич. Танланган ихтисослик бўйича компьютер тести ва суҳбат-имтиҳон.
- 5-босқич. Чет тили бўйича расмий тест (шу

жумладан талаб қиладиган университетлар ва мутахассисликлар учун GMAT ва GRE тест синовлари).

Танлов синовларининг 3-босқичида фақат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Тиббиёт марказининг саломатлиги бўйича "чет элга чиқишига эътироз йўқ" хулосасига эга даъвогарларга қатнашишга рухсат берилади.

Танлов натижалари тенг бўлган ҳолларда, таянч олий маълумот бўйича имтиёзли диплом соҳиблари ва амалий меҳнат стажига эга танлов иштирокчилари афзалликларга эга бўладилар.

Танлов синовларининг 1-босқичи "Умид" жамғармасининг ходимлари томонидан жамғарманинг чет эллик ҳамкорлари ёрдамида ўтказилади.

2- ва 5-босқичлар чет эл давлат таълим муассасалари томонидан ўтказилади.

3- ва 4-босқичлар етук олим ва мутахассислар ҳамда таълим йўналишлари бўйича устувор соҳаларда раҳбар лавозимларда ишловчи амалиётчилардан ташкил топган "Умид" жамғармасининг махсус комиссиялари томонидан ўтказилади.

Хужжатларни қабул қилиш ва танлов босқичларини ташкил этиш бўйича танлов хайъати куйидаги манзилгоҳда ишлайди:

Тошкент шаҳри, А.Қаюмов кўчаси, 24-уй.  
Банклар Ассоциацияси биноси.

Маълумотлар учун куйидаги телефонларга мурожаат қилиш мумкин:  
137-12-82, 137-12-81, 133-41-30.

"Умид" жамғармаси Танлов хайъати

«ХАЛҚ СЎЗИ»  
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Аббосхон  
УСМОНОВ.

Тахрир хайъати:

Э. БОЛИЕВ  
(масъул котиб —  
«Халқ сўзи»),  
М. ЕГОРОВ  
(масъул котиб —  
«Народное слово»),  
Ш. ЖАБОРОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),  
С. ЗИНИН,  
М. МИРАЛИМОВ,  
С. МУХИДДИНОВ,  
Ш. РИЗАЕВ,  
М. САФАРОВ,  
Р. ФАРҲОДИЙ,  
И. ХУДОЁРОВ,  
И. ШОҒУЛОМОВ,  
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),  
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;  
Ҳуқуқ — 136-07-94;  
Иқтисодиёт — 136-36-65;  
132-10-65  
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;  
Хатлар — 136-29-89,  
133-07-48;  
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;  
Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92;  
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;  
Котибиёт — 133-10-28;  
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001  
Буюртма Г — 1115,  
18120 нусхада босилди,  
ҳажми — 2 табоқ.  
Офсет усулида босилган.  
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTUM-II — компьютерда терилди ҳамда оператор Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Набатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.  
Набатчи муҳаррир — А. МАДАТОВ.  
Набатчи — Ҳ. КАРИМОВ.  
Мусахҳиш — Ш. МАШРАББОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахрирда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41.

Боснига топириш вақти — 21.00  
топирилди — 21.00  
1 2 3 4 5 6

**«MALVIL» МҶЗ** саноат электр жиҳозларини жаҳондаги машҳур корхоналардан бевосита етказиб беради.

**ДИЗЕЛЛИ ВА БЕНЗИН БИЛАН ИШЛАЙДИГАН КУВВАТИ 300 ВА ДАН 800 кВАГА БЎЛГАН ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯЛАР**  
исталган кувватдагиси

Ишлаб чиқарувчилар: Германия (GECO), Италия (Lifer), Япония (Honda), Россия

**UPS** — КУВВАТИ 300 ВА ДАН 800 кВАГА БЎЛГАН — УЗЛУКСИЗ ОЗУҚА БЛОКЛАРИ

Ишлаб чиқарувчи: Франция (MGE).

КАФОЛАТ:  
ЭЪТИМОЛИК  
ЭТКАЗИБ БЕРИЛАДИ.  
ТЕХНИК ХИЗМАТ.

Тошкент ш., 700000, В. Малясов кўчаси, 3, 113, 115-хоналар.  
Тел.: (998-71) 120-68-36, (998-712) 41-31-24, 30-20-36. E-mail: malvil@operamail.com.

### Ғолиб полвонга қўй ва гилам

Навоийлик қўйчиловлар азалдан кураш тушини хуш кўришади. Тўйлар, байрамлар курашсиз ўтмайди. Шу босми бу юртдан ўйлаб таниқли полвонлар етатиб чиққан. Нурота тумани ҳокимлиги ана шу ананаларни давом эттириш чораларини кўрмоқда.

«Кураш — менинг ифтихорим» деб номаианган туман биринчилиги «Дехбалам» қишлоғида бўлиб ўтди. «Соғлом авлод йили»га бағишланган бу тадбирдаги полвонлар сонини 60 дан ошди. Ҳозирлик Мўмин Эргашев, дехбаламлик Саттор Абдиев, қизилчалик Рустам Очилов сизгари саккиз полвон ўз вази тоифаси бўйича мутлақ ғолиб деб топилди. Уларнинг ҳар бирига бир бошдан қўй, биттадан гилам берилди.

А.ПИРМАТОВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.

**ХАВФСИЗЛИКНИНГ МАХСУС ТИЗИМЛАРИ!**

ЕВРОПА ВА РОССИЯЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИНГ РАСМИЙ ВАКИЛЛАРИ. БАНКЛАР, ОФИСЛАР, ЭЛЧИХОНАЛАР, АЭРОПОРТЛАР, ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ УЧУН ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАР:

- профессионал видеокузатув тизимлари.
- авиопарвозлар ва бохона хизматлари учун рентген назорат тизимлари. HEIMANN SYSTEMS.
- металл детекторлари: пештоқли, портатив.
- махсус хизматлар учун махсус техника.
- қуввати 1500 м.ли махсус ёриткичлар.

ЭТКАЗИБ БЕРИШ, СОЗЛАШ, ИШГА ТУШИРИШ, ТЕХНИК ЁРДАМ.  
Манзил: Тошкент ш., Қичик Бешёғоч к., 189. Мўлжал: «Локомотив» стадиони.  
Тел./фа с: (998 71) 191-09-09, Тел.: (998 71) 191-30-00.

**ЭЪЛОН**  
Термиз шаҳар, Амир Темура кўчаси, 79-уйда жойлашган  
**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ҚУРИЛИШ ДИРЕКЦИЯСИ**

«ТАНЛОВ САВДОСИ»ни эълон қилади.  
Мулкчилик шаклидан қатъи назор барча пудратчи ташкилотларни куйидаги иншоот бўйича танлов савдосида қатнашишга таклиф қилади:

**САРИОСИЁ ТУМАНИ И. ДИЁРОВ НОМИ ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИДАГИ 600/200 ЎРИНЛИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ**

Қурилиш ишлари давлат инвестиция ресурслари ҳисобидан олиб борилади. Пудратчи ташкилотлар молия маблағи билан таъминланган моддий-техника базасига эга ходимлари юқори тажрибага эга малакали кадрлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Савдода қатнашиш истагини билдирган пудратчи ташкилотлар савдо ташкилотчисига ариза билан мурожаат қилишлари ва тендер хужжатлар тўпламини олишлари шарт.

Мурожаат учун манзил:  
Термиз шаҳри, Малик Қадҳор кўчаси, 14-уй, Тендер ўтказиш бошқармаси савдо филиали.  
(Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси)

Бир комплект тендер хужжатларининг нархи 12000 сўм.  
Оферталарни савдо ташкилотчисига 2000 йил 29 декабргача қабул қилади.  
**ТЕНДЕР БОШҚАРМАСИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ**

**ЭЪЛОН**  
Термиз шаҳар, Бокуменко кўчаси, 5-уйда жойлашган  
**ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ**

«ТАНЛОВ САВДОСИ»ни эълон қилади.  
Мулкчилик шаклидан қатъи назор барча пудратчи ташкилотларни куйидаги иншоот бўйича танлов савдосида қатнашишга таклиф қилади:

**САРИОСИЁ ТУМАНИ «СУФИЁН» ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИДАГИ ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ**

Қурилиш ишлари давлат инвестиция ресурслари ҳисобидан олиб борилади. Пудратчи ташкилотлар молия маблағи билан таъминланган моддий техника базасига эга ходимлари, юқори тажрибага эга малакали кадрлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Савдода қатнашиш истагини билдирган пудратчи ташкилотлар савдо ташкилотчисига ариза билан мурожаат қилишлари ва тендер хужжатлар тўпламини олишлари шарт.

Мурожаат учун манзил:  
Термиз шаҳри, Малик Қадҳор кўчаси, 14-уй, Тендер ўтказиш бошқармаси савдо филиали.  
(Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси)

Бир комплект тендер хужжатларининг нархи 12000 сўм.  
Оферталарни савдо ташкилотчисига 2000 йил 29 декабргача қабул қилади.  
**ТЕНДЕР БОШҚАРМАСИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ**